

351 - وَعَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: مَا غَرْتُ عَلَى أَحَدٍ مِنْ نِسَاءِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَا غَرْتُ عَلَى خَدِيجَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا، وَمَا رَأَيْتُهَا قَطُّ، وَلَكِنْ كَانَ يُكْثِرُ ذِكْرَهَا، وَرُبَّمَا ذَبَحَ الشَّاةَ، ثُمَّ يَقْطَعُهَا أَغْضَاءً، ثُمَّ يَبْعَثُهَا فِي صَدَائِقِ خَدِيجَةَ، فَرُبَّمَا قُلْتُ لَهُ: كَأَنَّ لَمْ يَكُنْ فِي الدُّنْيَا امْرَأَةً إِلَّا خَدِيجَةَ؟! فَيَقُولُ: «إِنَّمَا كَانَتْ كَمَا كَانَتْ وَكَانَ لِي مِنْهَا وَلَدٌ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 3818، م 2435/76].

وَفِي رِوَايَةٍ: وَإِنْ كَانَ لِيَذْبَحَ الشَّاةَ، فَيُهْدِي فِي خَلَائِلِهَا مِنْهَا مَا يَسْعُهُنَّ. [خ 3816، م 3435].

وَفِي رِوَايَةٍ: كَانَ إِذَا ذَبَحَ الشَّاةَ يَقُولُ: «أَرْسَلُوا بِهَا إِلَى أَصْدِقَائِ خَدِيجَةَ». [م 2435/75].

وَفِي رِوَايَةٍ: قَالَتْ: اسْتَأْذَنْتُ هَالَةَ بِنْتَ حُوَيْلِدٍ أُخْتِ خَدِيجَةَ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَعَرَفَ اسْتِئْذَانَ خَدِيجَةَ، فَارْتَاخَ لِذَلِكَ، فَقَالَ: «اللَّهُمَّ؛ هَالَةَ بِنْتَ حُوَيْلِدٍ». [خ 3821، م 2437].

قَوْلُهَا: «فَارْتَاخَ» هُوَ بِالْحَاءِ، وَفِي «الْجَمْعِ بَيْنَ الصَّحِيحَيْنِ» لِلْحَمِيدِيِّ: «فَارْتَاخَ» بِالْعَيْنِ، وَمَعْنَاهُ: اهْتَمَّ بِهِ.

351. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг бирорта аёлларидан Хадижадан рашк қилганчалик рашк қилмаганман. Ўзи уни ҳеч кўрмаганман, лекин у зот уни кўп эслар эдилар. Баъзан қўй сўйиб, бўлак-бўлак қилиб, кейин уларни Хадижанинг дугоналарига юборар эдилар. Баъзида у зотга: «Худди дунёда Хадижадан бошқа аёл бўлмагандек...», десам, **«У бундай эди., ундай эди., ундан фарзандларим бор»**, дер эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда келтирилишича, **«У зот қачон қўй сўйсалар, ўшандан унинг дугоналарига тўйгунича ҳадя қилар эдилар»**.

Яна бошқа ривоятда айтилишича, « У зот қачон қўй сўйсалар, **«Хадичанинг дугоналарига юборинглар»**, дер эдилар

Ривоятларнинг яна бирида: «Хадичанинг сингиллари Ҳолату бинти Хувайлид Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳузурларига кириш учун изн сўраганида, Хадичанинг (овозига ўхшаш бўлгани) учун уни изниданок таниб олдилар. Бунга хурсанд бўлиб: **«Аллоҳим, бу Ҳолату бинти Хувайлид-ку»**, дедилар», дейилади.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан Хадийжа онамизнинг фазллари равшан намоён бўлмоқда. Оиша онамизнинг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бошқа аёлларидан рашк қилмаганлари уларнинг бу кишидан устун бўлмаганларидандир.

Хадийжа бинти Хувайлид розияллоху анҳога келсак, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қачон қўй сўйсалар, Хадийжанинг дугоналарига юборинглар, дер эдилар. Бу билан у зот Хадийжа онамизнинг ҳурматларидан у кишининг яқин одамларини эҳтиром қилиб юрганлар. Бу ҳол, албатта, рашкни келтирадиган нарсадир.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Хадийжа бинти Хувайлид розияллоху анҳонинг ҳурматларидан у кишининг дугоналарини бошқа пайтларда ҳам йўқлаб турганлар.

Анас розияллоху анҳудан қилинган ривоятда:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қачон ўзларига бирор нарса келтирилса, буни Фулонанинг уйига олиб бориб беринглар. У Хадийжанинг

дугонаси эди», дердилар», дейилган.

Имом Ҳоким Оиша онамиздан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига у зот менинг олдимда эканида бир кампир келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:

«Сен кимсан?» дедилар.

«Мен Жассома Музанияман», деди.

«Йўқ. Сен Ҳассони Музаниясан! Сизлар қандоқсизлар? Ҳолингиз қандай? Биздан кейин нима қилдингиз?» дея кетдилар.

«Яхшимиз! Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули!» деди у.

У чиқиб кетганидан кейин:

«Эй Аллоҳнинг Расули, бир кампирга бунчалик эҳтиром қилдингиз?» дедим.

«У Хадийжанинг вақтида ҳузуримизга келиб турар эди. Албатта, эски аҳдни гўзал тутиш иймондандир», дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хадийжа онамиз ҳақларида:

«Албатта, менга унинг муҳаббати берилган», деганлари катта гапдир. Бундан Аллоҳ таолонинг Ўзи Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига Хадийжа онамизнинг муҳаббатларини солиб қўйгани маълум бўлади. Демак, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хадийжа онамизга бўлган соф муҳаббатлари илоҳий иноят ила бўлган муҳаббатдир.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Хадийжа онамизга бўлган муҳаббатлари ва эҳтиромларининг яна бир сабаби у зотнинг:

«Менинг болаларим ундан бўлган», деган гапларида яққолроқ намоён бўлади. Дарҳақиқат, Аллоҳ таолонинг Ўзигагина маълум ҳикматга биноан, у зотнинг барча фарзандлари Хадийжа онамиздан бўлган. У кишидан бошқа аёлларидан бола бўлмаган. Бу ҳол ҳам, албатта, Хадийжа онамиз фазлларига фазл қўшади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Жаброил Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Мана, Хадийжа ҳузурингизга келди. У билан идиш

бор. Унда хўрак ёки таом ёки шароб бор. Қачон у ҳузурингизга етиб келганда унга Робби азза ва жалладан ва мендан салом айтинг ва унга жаннатдаги луълуъ (ва дуру ёқутлар ила безатилган), шовқин-сурони ҳам, чарчоғи ҳам йўқ уйнинг башоратини беринг», деди».

Бу ҳадиси шарифда, аввало Хадийжа онамизнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қилган катта хизматларидан бир намуна кўрмоқдамиз. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга сидқидилдан хизмат қилиб, орқаларидан озиқ-овқат кўтариб, маълум масофа йўлни босиб келмоқдалар. Хадийжа онамиздек обрўга, жамиятда алоҳида ўринга ва ҳадсиз-ҳисобсиз бойликларга эга бўлган қай бир аёл тоғу тошлар орасида эрининг орқасидан озиқ-овқат кўтариб юради? Албатта, у кишининг бу ҳолатлари жуфти ҳалолларига хизмат қилишни ўзларининг бурчлари деб билганларидан ва бу хизмат ила Аллоҳ таолонинг розилигини топиш ниятларининг кучли эканидандир.

Аллоҳ таоло Хадийжа онамизни ниятларига яраша мукофотлаганини шу ҳадиси шарифнинг ўзидан кўриб турибмиз. Жаброил алайҳиссаломнинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга Хадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳонинг келаётганлари хабарини беришларининг ўзи катта гап. Бу у кишининг илоҳий иноят ва эҳтиром остида юришларидан дарак беради.

Жаброил алайҳиссаломнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга Хадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳо ҳақларида:

«Қачон у ҳузурингизга етиб келганда унга Робби азза ва жалладан ва мендан салом айтинг ва унга жаннатдаги луълуъ (ва дуру ёқутлар ила безатилган), шовқин-сурони ҳам, чарчоғи ҳам йўқ уйнинг башоратини беринг», дейишлари бошқа бирор одам боласига берилмаган фазл бўлса ажаб эмас.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

